Ilmiy tadqiqotlar va ularning yechimlari jurnali
Aoka guvohnoma № 323759 ISSN: 3060-4818

ШАҲРИСАБЗ ШАҲАРНИНГ ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА “МАЛИК АШТАР” МЕМОРИЙ ОБИДАСИ ҲАҚИДА

Холматов Ойбек Илҳомович
Тарихчи археолог

Жамолов Ислом Илҳом ўғли
Шаҳрисабз давлат музей қўриқхонаси
Оқ Сарой филиали бўлим мудири
https://doi.org/10.5281/zenodo.21939223

Аннотация
Ушбу мақолада Қашқадарё воҳасининг йирик иқтисодий ва маданий марказларидан бири бўлган Шаҳрисабз шаҳрининг сўнгги ўрта асрлардаги тарихий топографияси ҳамда "Малик Аштар" меъморий обидаси таҳлил қилинади. Муаллиф М.Е.Массон, Г.А.Пугаченкова, О.А.Сухарева ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларига таянган ҳолда шаҳарнинг 16–19 асрлардаги қиёфаси — қалъа деворлари, дарвозалари, маҳаллалари, мадраса, карвонсарой ва масжидлари жойлашувини ёритади. Мақолада Амир Темур давридан бошлаб шаҳар мудофаа тизимининг шаклланиши, 17–18 асрлардаги инқироз ва Кенагас беклари давридаги қайта тикланиш жараёнлари кўрсатилади. Алоҳида ўрин "Малик Аштар" масжидига қаратилган бўлиб, унинг номи келиб чиқиши, меъморий тузилиши ва тарихий аҳамияти очиб берилади. Муаллиф ЮНЕСКО умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ушбу обидани чуқурроқ илмий ўрганиш зарурлигини асослайди.
Калит сўзлар: Шаҳрисабз, тарихий топография, "Малик Аштар" масжиди, меъморий обида, қалъа девори, ўрта асрлар шаҳарсозлиги, ЮНЕСКО умумжаҳон мероси.

Шаҳрисабз Қашқадарё воҳасининг йирик иқтисодий ва маданий марказларидан бири бўлган. Шаҳарнинг сўнгги ўрта асрлардаги тарихий топографиясига доир қимматли маълумотлар 1942-йилда ўлкага ташриф буюрган М.Е.Массон ва Г.А.Пугаченковалар тадқиқотларида, кейинчалик Шаҳрисабз гузарларини махсус тадқиқ этган О.А.Сухарева асарларида ҳамда ЎзМУ Археология кафедраси аъзолари тадқиқотларида ўз аксини топган. Бу маълумотлар шаҳарнинг 16-19 асрлардаги қиёфасини ёритиш имконини беради. Шаҳрисабз маҳаллалари жойлашуви (топографик) харитаси ва олима Замира Усмонова томонидан ўрганилган қалъа деворининг жойлашиши кўрсатилган. Бунда шаҳарни ўраб турувчи қалъа девори, 11 та қадимий ёдгорликлар, 65 та маҳаллалари жой олган.

Шаҳар 14 асрда Амир Темур даврида девор билан ўраб олиниб мустаҳкамланган. Шайбонийлар даврида ҳам Шаҳрисабз Қашқадарё воҳасининг бош шаҳри сифатида мустаҳкам мудофаа тизимига эга булган. 17 асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Бухоро хонлигидаги кескин сиёсий вазият ва ўзаро феодал урушлар натижасида Шаҳрисабз хароб аҳволга келиб қолди. Бу инқироз даври 18 аср ўрталаригача давом этди. Кенагаслардан бўлган беклар айниқса Назарбек даврида шаҳар янгидан қад ростлаб, шаҳарнинг жанубий томонида Амир Темур даври деворидан 450 метр ичкарида янги девор қад кўтарди. Шунингдек шаҳар деворининг шарқий, шимолий, ғарбий томонлари ҳам таъмирланди. Шу даврда Шаҳрисабз уч қисмдан – Бек ўрдаси, Қўрғон ва бевосита шаҳар ва шаҳар атрофи қисмларидан ташкил топган. Шаҳарда бир нечта бозор мавжуд бўлиб булардан ҳозирги пайтда Чорсу савдо иншооти сақланиб қолган. 18-19 асрларда Шаҳрисабз олтита дарвозага эга бўлган. Булар асосий тўртта бўлиб шимолий дарвоза – Китоб ёки Арк (биринчи ном Китобга олиб борувчи йўл билан боғлиқ бўлса, иккинчи ном Шаҳрисабз беги қўрғони ёнида жойлашганлиги билан боғлиқ), шарқий дарвоза – Кунчиқар, ғарбий дарвоза –

Қушхона (шу дарвоза яқинида қассоблар маҳалласи жойлашган)ёки Чироқчи (ушбу дарвоза орқали Чироқчига олиб борувчи йўл ўтган), жанубий дарвоза – Чармгар (дарвозанинг яқинида чармгарлик гузарлари жойлашган) ёки Яккабоғ (Яккабоғга олиб борувчи йўл билан боғлиқ) деб аталган. Шунингдек шаҳарда сўнги ўрта асрларда 6 та мадраса, 7 та карвонсарой (ҳозирда Коба карвонсаройи сақланиб қолган), 2 та ҳаммом мавжуд бўлган.

Шаҳар ташқарисида унинг шимолий томонида Номозгоҳ масжиди мавжуд бўлиб, ҳозир сақланиб қолган эмас. Ҳозирда сақланиб қолган Хўжа Мирҳомид (Абдушукур Оғоллиқ), Чубин ва Молик Аждар масжидлари шаҳардаги асосий масжидлардан ҳисобланган. Шунингдек ҳар бир гузар ўз масжидига эга бўлган.

Шаҳрисабзликлар тилида “Малик Аждар”га айланиб кетган “Малик Аштар” масжидининг номи арабча “Молики уштур” сўзидан келиб чиққанлиги айтилади. Бунинг маъноси “Туядор” бўлиб, яъни масжид, савдо карвонларида қатнайдиган кўплаб туяларга эга бўлган бой томонидан қурдирилган. Чамаси, масжид қурилмасдан аввал бу ҳудудда VIII-X асрларда зиёрат қилинадиган қадимий дафина-қабр жойлашган бўлиши мумкин.

Ҳозирда “Малик Аштар” масжиди ҳовли атрофи бўйлаб жойлашган масжид ва ҳужралардан ташкил топган иншоотлар мажмуасидан иборат. Уларнинг энг аҳамиятлиси хонақо бўлиб, гумбази яқин-атрофдаги уйларнинг томларидан баландроқ. Меъморий ечими маҳалла масжидларига хос. Масжид биноси XIX аср охирига келиб тўла шаклланган

Айрим тарихий манбаларда “Малик Аштар”нинг масжид билан бирга, карвонсарой бўлгани қайд этиб ўтилган. Буни масжид хонақоси билан туташ майда ҳужралардан ҳам билиш мумкин. Улар сони йигирмадан ошади. Қолаверса, масжид ҳовлисида қадимий супалар ҳам мавжуд.

Малик Аштар масжиди ЮНЕСКОнинг “Умумжаҳон мероси” рўйхатига киритилган Шаҳрисабздаги 19 та ёдгорликдан бири ҳисобланади. Айни вақтда жоме масжиди сифатида фойдаланилади. Мамлакатимиздаги тарихчи олимлар “Малик Аштар” ёдгорлигини ўрганишса, илмий изланишлар, тадқиқотлар қилишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Биз “Тарихий ҳақиқат изидан” рукни орқали эълон қилаётган туркум материаллар орқали тарихчилар, ёш олимлар ва қизиқувчиларни мавзу бўйича ўз фикрларини билдиришга чорлаб қоламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. М.Хайруллаев, А.Ўринбоав, О.Бўриев Темурийлар бунёдкорлиги даври манбаларда/ Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 1997.
2. Холматов О.Қадимий Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар/Тошкент, Янги аср авлоди, 2014.
3. Холматов О.Дилкаш шаҳар тарихи/ Тошкент, Янги аср авлоди, 2015.
4. O’zbekiston Milliy Ensiklopediyasi. Toshkent. 2003.